

5-27-2019

# The role of political parties in enhancing youth social and political activity

Rasulova Nodira  
n.rasulova@mail.ru

Follow this and additional works at: [https://uzjournals.edu.uz/or\\_stud](https://uzjournals.edu.uz/or_stud)

 Part of the [Political Science Commons](#)

---

### Recommended Citation

Nodira, Rasulova (2019) "The role of political parties in enhancing youth social and political activity," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 11.  
Available at: [https://uzjournals.edu.uz/or\\_stud/vol1/iss2/11](https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/11)

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).



## ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**РАСУЛОВА НОДИРА**

*Тарих фанлари номзоди, доцент, ЎзР Миллий гвардияси ХТИ*

**Аннотация.** Мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни сиёсий партияларнинг жорий архиви материаллари, илмий адабиётлар таҳлили асосида ёритиб берилган. Ўзбекистонда 30 июннинг “Ёшлар куни” деб эълон қилиниши, “Ёшлар келажакимиз” давлат дастурининг қабул қилиниши, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиши ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг ташиқил этилганлиги мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор намунасидир. Ўзбекистон ёшлари эркин фикрлаш, ижодий ва ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган лойиҳаларда ҳам, турли жамоат бирлашмалари, хусусан, сиёсий партияларнинг фаолиятида ҳам кенг иштирок этмоқда.

Республикада фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириши, уларни сиёсий жараёнларга жалб этиши, бандлигини таъминлаш мақсадида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Барча сиёсий партиялар таркибида “Ёшлар қаноти” бўлимлари фаолият юритмоқда. Ўзбекистон сиёсий партияларининг ёшлар қанотлари мамлакатимиз ёшларини жипслаштириши, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташиқил қилиши, уларнинг гиёҳвандлик, турли бузғунчи гояларга берилишининг олдини олиши, шу билан бирга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган турли оммавий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Мақолада Ўзбекистон сиёсий партиялари ёшлар қанотларининг ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириши, уюлмаган ёшларни бирлаштириши, уларнинг муаммоларини ечиши кабилар борасида амалга ошираётган лойиҳалари, тадбирлари, фаолияти уларнинг жорий архивларидан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, ривожланган Шарқ мамлакатларида, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Япония каби давлатларнинг бу борада тўплаган тажрибалари таҳлил қилинган. Сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари ўртасида маълум бир мавзулар доирасида (қонун лойиҳалари, электорат манфаатлари, сайловолди дастурлар кабилар) баҳс-мунозаралар уюштириши; сиёсий партияларнинг матбуот органлари, Интернетдаги сайтларида эълон қилиб бориладиган маълумотларни доимий равишда янгилаш, шунингдек, партия ҳисоботлари ҳамда статистик маълумотларини кенг оммага тақдим этиб бориши каби таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** давлат, сиёсий партия, фуқаролик жамияти, ёшлар, ёшлар қанотлари, ёшларга оид давлат сиёсати, ижтимоий-сиёсий фаоллик, муаммолар, Япония ёшлар палатаси, депутатлар.

**Аннотация.** В статье на основе анализа текущих архивных материалов, научной литературы освещается роль и место политических партий Республики Узбекистан в повышении общественно-политической активности молодежи. Объявление в Узбекистане 30 июня «Днем молодежи», принятие Программы «Молодёжь – наше будущее», организация при Академии управления при Президенте Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров – показатель высокого внимания к молодежи в Узбекистане. Молодёжь Узбекистана активно участвует как в проектах, направленных на развитие свободного мышления, повышение творческой и общественной активности, так и в деятельности различных общественных объединений, в частности политических партий.

В целях повышения политической культуры и сознания молодежи, привлечения ее к политическим процессам, обеспечения занятости всеми политическими партиями, действующими в республике, осуществляются несколько проектов. Во всех политических партиях действует так называемое «Молодежное крыло». Данные формирования проводят различные массовые мероприятия, направленные на консолидацию молодежи страны, организацию ее свободного времени, защиту молодых людей от наркомании, различных чуждых нашему менталитету идей, пропаганду здорового образа жизни



В статье на основе архивных материалов проанализированы проекты, осуществляемые «Молодежным крылом» политических партий, мероприятия, проводимые ими, деятельность направленная на повышение политико-правового сознания, на объединение неорганизованной молодежи, решение возникающих проблем. Проанализирован опыт развитых восточных стран, в том числе Китая, Индии и Японии, накопленный в этой сфере. Даны предложения и рекомендации, направленные на: организацию дискуссий по различным проблемам (проектам законов, интересам электората, предвыборных программ и т.д.); постоянное обновление сведений, размещаемых в печатных изданиях, на Интернет-сайтах; а также доведение до широкой общественности партийных отчетов и статистических данных.

**Опорные слова и выражения:** государство, политическая партия, гражданское общество, молодежь, молодежные крылья, государственная политика по молодежи, социально-политическая активность, проблемы, молодежная палата Японии, депутаты.

**Abstract.** The article based on the analysis of current archival materials, scientific literature highlights the role and place of the political parties of Uzbekistan in increasing the socio-political activity of young people. Announcement in Uzbekistan June 30 as the “Youth Day”, the adoption of the program “Youth is Our Future”, the organization of the Academy of Management under the President of the Institute for the Study of Youth Problems and the Training of Promising Personnel is an indicator of high attention to young people in Uzbekistan. The youth of Uzbekistan is actively participated both in projects aimed at developing free thinking, enhancing creative and social activity, and in the activities of various public associations, in particular political parties.

In order to increase the political culture and consciousness of young people, to attract them to political processes, to ensure employment by all political parties operating in the republic, several projects are being implemented. In all political parties, the so-called “Youth Wing” operates. These groups hold various mass events aimed at consolidating the country’s youth, organizing their free time, protecting young people from drug addiction, various ideas alien to our mentality, and promoting healthy lifestyles.

On the basis of archival materials, the article analyzes projects carried out by the “Youth Wing” of political parties, the activities carried out, activities aimed at raising the political and legal awareness, uniting unorganized youth, and solving emerging problems. The experience of developed eastern countries, including China, India and Japan, accumulated in this area is analyzed.

There are suggestions and recommendations aimed at: organizing discussions on various issues (draft laws, interests of the electorate, electoral programs, etc.); constant updating of information published in print publications on Internet sites; and communicating party reports and statistics to the general public.

**Keywords and expressions:** state, political party, civil society, youth, the youth wings, state policy on youth, social-political activity, problems, youth chamber of Japan, deputies.

**Кириш.** Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунлариданок, жамиятнинг энг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган ёшларга алоҳида эътибор қаратила бошланди. 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги, кейинчалик эса, 2016 йил 14 сентябрь куни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши фикримизнинг исботидир. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун билан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қо-

нуний манфаатлари яна бир бор қафолатланди. Маълумки, бугунги кунда дунёда ёшлар 2 миллиарддан ортиқроқдир. Мамлакатимизда эса 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Бу кўрсаткичлар эса Ўзбекистоннинг келажаги униб-ўсиб келаётган ёшлар кўлида эканлигини билдиради. Ёшлар масаласида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Mirziyoyev Sh.M. Jismoniy va ma’naviy yetuk yoshlar – ezgu maqsadlarimizga yetishda tayanchimiz va



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида республикамизда фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ёшларимизнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилгани ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев томонидан 30 июннинг “Ёшлар куни” деб эълон қилиниши, 2018 йил 27 июнда имзоланган “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг ташкил этилганлиги ҳам мамлакатимизда ёшларга қаратилган юксак эътибор намунасидир. Шунга қарамай, бугунги кунда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини ўрганиш, уларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамон долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

**Мақсад ва вазифа:** Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, уларни сиёсий жараёнларга жалб этиш, бандлигини таъминлаш борасида амалга ошираётган ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосий мақсадимиздир. Айнан мана шу муаммони ўрганиш жараёнида Ўзбекистон сиёсий партиялари таркибида фаолият юритаётган Ёшлар қанотлари ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш, уюлмаган ёшларни бирлаштириш, уларнинг муаммоларини ечиш каби борасида амалга ошираётган лойиҳалари, тадбирлари, фаолияти уларнинг жорий архивларидан

suyanchimizdir [Physically and spiritually mature youngsters are our support for our noble goals]. Available at: <http://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01/nutq>

олинган маълумотлар асосида таҳлил қилиш, шунингдек, ривожланган Шарқ мамлакатларида, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Япония каби давлатларнинг бу борада тўплаган тажрибаларини ўрганиш асосида таклиф ва тавсиялар беришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

**Усуллар:** илмий мақолани ёзишда назарий-методологик, тарихийлик ва холислик, статистик таҳлил ва тизимлаштириш тамойиллари, шунингдек, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Натижалар ва мулоҳаза:** Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида ёшлар тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганларни ёшлар қатламига киритади. Европа Иттифоқи давлатларида 16 ёшдан 30 ёшгача (баъзан 35 ёшгача) бўлган аҳоли вакиллари ёшлар сифатида эътироф этилади. Шунингдек, МДҲ давлатларининг аксариятида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади, аммо Украинада 14–35<sup>1</sup>, Қозғистонда 14–29 ёшлилар<sup>2</sup> ушбу тоифага киритилади. Ўзбекистон Республикасида эса 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар ёшлар ҳисобланади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон ёшлари бугун нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам ўз ақл-

<sup>1</sup> Zakon Ukrainy “O sodeystvii sotsialnomu stanovleniyu i razvitiyu molodeji v Ukrainе” ot 5 fevralya 1993 goda № 2998-XII [The Law Ukraine “About assistance to social formation and development of youth in Ukraine, dated February 5, 1993 № 2998-XII]. Available at: <http://www.uazakon.ru/zakon-o-sodeystvii-razvitiyu-molodezhi.html>

<sup>2</sup> Zakon Respubliki Kazaxstan «O gosudarstvennoy molodejnoj politike» ot 9 fevralya 2015 goda № 285-V ZRK [Law of the Republic of Kazakhstan “On state Youth Policy”, dated February 5, 2015, № 285-V ZRK]. Available at: [http://www.online.zakon.kz/m/document/?doc\\_id=31661446](http://www.online.zakon.kz/m/document/?doc_id=31661446)

<sup>3</sup> O’zbekiston Respublikasining 2016-yil 14-sentyabrdagi “O’zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosati to’g’risida”gi O’RQ-406-sonli Qonuni [Law of the Republic of Uzbekistan “On state Youth Policy”, September 14, 2016]. Available at: <http://www.lex.uz/acts/3026246>



заковати, шижоати, интеллектуал салоҳияти, келажакка интилувчанлиги билан эътибор қозонмоқда. Улар таълим-тарбия, маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, спорт-соғломлаштириш соҳаларидаги кўплаб йўналишларда самарали фаолият олиб бормоқдалар. Республикамиз ёшлари эркин фикрлаш, ижодий ва ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган лойиҳаларда ҳам, турли жамоат бирлашмалари, хусусан, сиёсий партияларнинг фаолиятида ҳам кенг иштирок этмоқдалар.

Маълумки, сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий қарашларини англаш, муштарак манфаатларини бирлаштириш, ҳар бир оила ва маҳалла ҳудудидаги табиий-сиёсий интилишларни партиявий доирага жамлаш, ўз аъзолари ва хайрихоҳларини сиёсий жараёнларга сафарбар этиш, шунингдек, бу жараёнда фуқароларнинг янада кенгроқ иштирок этишини рағбатлантириш воситасидир.

1996 йил 26 декабрда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунга кўра, “Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда жамиятнинг муайян қисмининг иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмадир”<sup>1</sup>. Фуқаролик жамияти қурилаётган мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ўрни, ислохотлардаги иштироки ва таъсири босқичма-босқич ва сезиларли равишда ортиб бормоқда. Партиялар ўзларини жамиятнинг муҳим бўғини бўлмиш ёшлар орқали ҳам намоён этмоқдалар.

Ўзбекистон Конституцияси ёшларимизга ўз сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бир қатор имкониятлар яратиб

берди. Жумладан, Конституциянинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Жаҳондаги аксарият давлатларда 18 ёшга тўлган фуқаро сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Лекин айрим мамлакатларда бу ёш кўрсаткичи фарқ қилади. Масалан, Аргентина, Австрия, Бразилия, Куба, Никарагуа, Эквадор давлатларида – 16 ёш, Индонезия, Хитой, Тимор-Лештида – 17 ёш, Бахрайн, Камерун, Науру, Японияда – 20 ёш, Габон, Кот-д’Ивуар, Қувайт, Ливан, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Покистон, Самоа, Сингапур, Тонга давлатларида эса 21 ёш сайлаш ҳуқуқидан фойдаланишнинг энг минимал ёши ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига кўра, сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзоси бўлиши мумкин<sup>3</sup>. Маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда эса 21 ёшга тўлган ёшларимиз ўз номзодларини кўрсатишлари ва сайланишлари мумкин.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, уларни сиёсий жараёнларга жалб этиш, бандлигини таъминлаш мақсадида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Барча сиёсий партиялар таркибида “Ёшлар қаноти” бўлимлари фаолият юритмоқда. Ўзбекистон сиёсий партиялари-

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi "Siyosiy partiyalar to'g'risida"gi 337-I-sonli qonuni [Law of the Republic of Uzbekistan "On Political parties"]. Available at: <http://www.lex.uz/docs/54191>

<sup>2</sup> Rasshirenie politicheskogo uchastiya molodeji na vsekh etapax elektoralnogo tsikla (PROON) [Expansion of political participation of youth at all stages of the electoral cycle (UNDP)]. – New York, 2013. – P. 21.

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasining 2016-yil 14-sentyabrdagi "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi O'RQ-406-sonli Qonuni [Law of the Republic of Uzbekistan "On state Youth Policy", September 14, 2016]. Available at: <http://www.lex.uz/acts/3026246>



нинг ёшлар қанотлари мамлакатимиз ёшларини жипслаштириш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш, уларнинг гиёҳвандлик, турли бузғунчи ғояларга берилишининг олдини олиш, шу билан бирга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган турли оммавий тадбирлар – спорт мусобақалари, конференциялар, семинар-тренинглар ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида: “...Сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган “Ёшлар қанотлари”нинг фаолиятини, афсуски, қониқарли, деб бўлмайти. Ваҳоланки, бугун мамлакатимизда яшаётган 10 миллиондан ортиқ ёшлар ҳаётида қанчадан-қанча ечилмаган ижтимоий муаммолар борлигини барчангиз яқинда бўлиб ўтган ёшлар курултойида яққол кўрдингиз”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаб, республика-мизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ёшлар билан ишлаш жараёнидаги қатор камчиликларини айтиб ўтган эди. Айниқса, сиёсий партияларнинг Ёшлар Иттифоқи, туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари билан ҳамкорликни кучайтириб, уюлмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги таъкидланди.

Бугунги кунда қуйидагилар ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда:

- Давлат томонидан яратилган имкониятлар;

<sup>1</sup> Mirziyoyev Sh.M. Parlamentimiz haqiqiy demokratiya maktabiga aylanishi, islohotlarning tashabbuskori va asosiy ijrochisi bo'lishi kerak (2017-yil 12-iyul) [Our parliament should become a real democratic institution, the initiator and main player of the reforms (July 12, 2017)]. Available at: [http://www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-13-07-2017?m=y&ELEMENT\\_CODE=parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-13-07-2017&SECTION\\_CODE=politics](http://www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-13-07-2017?m=y&ELEMENT_CODE=parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-13-07-2017&SECTION_CODE=politics)

– оила, маҳалла, таълим муассасаси, ёшлар ташкилотининг фаолиятида ижтимоий шерикчилик механизмнинг фаол ишлаши;

– ёшлар ташкилотлари томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар;

– ёшлар иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

Ўзбекистон сиёсий партиялари ҳам ёшлар билан ишлаш жараёнида ўз фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Маълумки, барча сиёсий партияларда ташкил этилган ёшлар қанотлари ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратишга кўмаклашишдан иборат умумий жиҳатлари бўлгани ҳолда, сиёсий партияларнинг дастурларида ўз сиёсий платформаларига хос мақсад ва вазифалар ҳам белгиланганини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялардаги “Ёшлар қаноти” атамаси сиёсий майдонга ёшлар манфаатларини фаолиятининг илк кунлариданоқ ёқлаб чиққан Фидокорлар миллий демократик партияси (2008 йилда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясига қўшилиб кетган) томонидан 1998 йилда илгари сурилган бўлиб, мазкур партия томонидан 1999–2001 йиллар давомида ўтказилган қатор оммавий тадбирлар, жумладан, “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остидаги туркум ватанпарварлик фестиваллари ўз вақтида ёшларни бирлаштиришга муносиб ҳисса бўлиб кўшилган эди.

Бугунги кунда мамлакатда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар таркибида ёшлар билан ишловчи бўлимлар мавжуд. Улар партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштиради. Масалан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ёшларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникма-



ларини шакллантиришни, ёш тадбиркор ва фермерларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришни асосий вазифаларидан деб билади. Бу вазифа партиянинг мулкдорлар қатламига таянишидан келиб чиққан.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси “Ёшлар қаноти”нинг асосий мақсади – янгилик яратишга чанқоқ, эл-юрт равнаки ва Ватан манфаатлари учун фидойи бўлган, замон рухини теран илғайдиган, ишбилармон-тадбиркор ёшларни, малакали ёш мутахассисларни ўз атрофида жипслаштириб, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга тадбиқ этишга йўналтириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб беришга кўмаклашишдан иборат<sup>1</sup>. Бугунги кунда партия аъзоларининг 49,5 фоизини ёшлар ташкил этади.

Ўтган йил давомида партия Сиёсий кенгаши Ижроия кўмитаси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Парламент – ёшлар манфаатлари ҳимоячиси ва демократия мактаби” мавзуида анжуман ташкил этилди. Ушбу анжумандан кўзланган асосий мақсад – ёшларни парламент фаолияти билан яқиндан таништириш, уларнинг қонун лойиҳалари устида ишлай олиши, ўз фикри ва таклифларини ифода этиш қобилиятларини шакллантириш, янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш жараёнида ёшларнинг бевосита иштирокини таъминлаш ҳамда шу анжуманлар орқали ёшлар орасидан бўлажак депутат ва сенаторларни тайёрлашдан иборатдир. Партия қошида “Ёш либераллар” клуби фаолият юритмоқда. Булардан ташқари, Либерал-демократик партияси томонидан “Ёш мулкдорлар – юрт

таянчи” лойиҳаси, “Диплом билан бизнесга” лойиҳаси, “Ёш фермер” кўрик-танлови, “Start up invest”, “Start up export”, “Start up innovation” лойиҳалари, “Парламентда менинг ўрним”, “Хавфсиз интернет” лойиҳалари, “Буюк келажак сари Президент ғоялари билан” шиори остидаги ва бошқа кўплаб тадбирлар орқали ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда<sup>2</sup>.

2005 йил 15 мартда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Истиқбол” ёшлар қаноти ташкил топди. “Истиқбол” ёшлар қаноти Марказий Бошқарувининг 2006 йил 16 мартдаги мажлисида Ўзбекистон Халқ демократик партияси “Истиқбол” ёшлар қанотининг Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди<sup>3</sup>. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Истиқбол” ёшлар қаноти ҳам мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ишсиз ёшларнинг ташаббус ва таклифларини ўрганиш ҳамда уларни иш билан таъминлаш мақсадида бир қатор амалий тадбирлар, лойиҳалар ва акциялар ишлаб чиқди ва ўтказмоқда. Ушбу сиёсий партиянинг 463255 дан зиёд аъзолари орасида ёшлар 47 фоизни ташкил этади.

2018 йилнинг ўзидаёқ “Ижтимоий мақсадларни Интернет тармоқларда оммалаш-

<sup>1</sup> Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati – O‘zbekiston Liberal-demokratik partiyasi «Yoshlar qanoti»ning nizomi / O‘zLiDeP joriy arxivi materiallari [The Movement of Entrepreneurs and Businessmen – the Liberal-Democratic Party of Uzbekistan “Statement of the Youth Wing” / Materials of the current archive of UzLiDeP].

<sup>2</sup> Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati – O‘zbekiston Liberal-demokratik partiyasi tomonidan 2017-yilda amalga oshirilgan ishlar to‘g‘risida ma‘lumot / O‘zLiDeP joriy arxivi materiallari [The Movement of Entrepreneurs and Businessmen – Information about the work done in 2017 by the Liberal-Democratic Party of Uzbekistan / Materials of the current archive of UzLiDeP].

<sup>3</sup> O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi «Istiqbol» yoshlar qanoti ishini tashkil qilish bo‘yicha hujjatlar to‘plami [Collection of documents on the organization of the work of the youth wing “Istiqbol” of the People’s Democratic Party of Uzbekistan]. – Toshkent, 2008. – P. 3.



тириш”, “Ёшлар қаноти – инновацион Интернет ғоялар ташаббускори”, “Интернет хавфсизлиги: муаммо ва ечим”, “Жиноятсиз келажак сари”, “Ёш сиёсатчи – 2018”, “Ёшлар парвози”, “Ёшлар кутубхонаси”, “Одам савдосига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорлиги” каби янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Ушбу тадбирларда 30 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди, 1000 ортиқ маҳаллалардаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилаларга ташрифлар уюштирилиб, муаммолари ўрганилди ва 200 дан ортиқ ёшларга ишга жойлашиш ҳамда 22 нафар имконияти чекланган, кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандларига ўз ишларини бошлашларида амалий ёрдам берилди<sup>1</sup>.

Бугунги кунда 113932 нафардан ортиқ ёшларни бирлаштирган “Адолат” социал демократик партияси Ёшлар Кенгашининг бошқа партиялар ёшлар қанотларидан фарқли томони шундаки, улар олий ва ўрта махсус таълим тизимида талабаларни ўқитиш сифатини ошириш, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, истеъдодли ёшларнинг илмий мартабаларини ўстириш ҳамда битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган мукамал лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш каби вазифаларни ўз олдига қўйган<sup>2</sup>. Булардан

<sup>1</sup> O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi tomonidan 2018 yilning birinchi yarim yilligida amalga oshirilgan ishlar yuzasidan hisobot / O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi joriy arxivi materiallari [Report on the work done in the first half of 2018 by the People's Democratic Party of Uzbekistan / Information from the current archive of the People's Democratic Party of Uzbekistan].

<sup>2</sup> “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi yoshlar qanotining maqsad va vazifalari / O'zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi joriy arxivi materiallari [Tasks and goals of the young wing of the Social-Democratic Party “Adolat” / Materials of the current archive of the Social-Democratic Party “Adolat”].

ташқари, партия дастурида ёшларни адолат-парварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

“Ёш адолатчилар” қанотининг асосий мақсади мамлакатда янги инновацион иқтисодиёт юзага келаятган, таълим тизими тараккий топаётган, бандлик даражаси ўсаятган, соғлом турмуш тарзининг ажойиб имкониятлари яратилаётган, мустаҳкам фуқаролик позицияси ишлаб чиқилаётган шароитларни қамраб олувчи мамлакатдаги ўзгаришлардан ёш йигит-қизларнинг ўз имкониятлари ютуқларини аниқ тасаввур этишларига қаратилган<sup>3</sup>.

Ҳозирги пайтда партиянинг “Ёш адолатчилар” қаноти фаолиятида ҳам сезиларли фаолликни кузатиш мумкин. Улар маҳаллий партия ташкилотларида ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида кўплаб тадбирларни амалга оширмакда. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш мақсадида “Адолат билимдони” кўрик танлови, “Уюшмаган ёшлар: муаммо ва ечимлар”, “Ватан келажаги ёшлар қўлида”, “Ҳаракатлар стратегияси – ёшлар нигоҳида” каби турли хил тадбирлар ташкил этилиб келмакда<sup>4</sup>.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси “Ёшлар қаноти” ёшларнинг онгига миллий ғояни сингдириш, уларда жамиятимиз таракқиётига тўсиқ бўлаётган турли ғоявий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий урф-одат, қадрият ва анъаналаримизни эъзозлаш,

<sup>3</sup> O'zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi “Yoshadolatchilar” qanotining Nizomi / O'zbekiston Adolatsotsial-demokratik partiyasi joriy arxiv materiallari [Statement of the “Yosh adolatchilar” wing of the Social-Democratic Party “Adolat” / Materials of the current archive of the Social-Democratic Party “Adolat”].

<sup>4</sup> Yosh adolatchilar [“Yosh adolatchilar” wing]. Available at: <http://www.adolat.uz/category/yosh-adolatchilar>





шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан қараш, ватанпарвар, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш<sup>1</sup> кабиларни ўзининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олган. Бугунги кунда ушбу сиёсий партия аъзолари таркибида ёшларнинг улуши 53 фоизни ташкил этади.

Партия “Ёшлар қаноти” томонидан ёшларни Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, йигит-қизлар онгида миллий қадрият ва анъаналар ҳақида кенг тушунчалар уйғотиш мақсадида турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик, тотувлик ва ўзаро бирдамликка қаратилган “Тинчлик ва осойишталик мамлакатимиз тараққиёти қафолатидир” шиори остида минтақавий ёшлар форумлари, ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, спортга жалб этиш ва улар ўртасида соғлом муҳит яратишга қаратилган “Миллий халқ ўйинлари” фестиваллари доимий равишда ўтказилиб келинмоқда.

“Миллий тикланиш” демократик партияси ёшлар қаноти ташкиллаштирган “Хизмат – беминнат” лойиҳаси уюшмаган ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан шаклланиши, интеллектуал, ижодий, жисмоний салоҳияти камол топишига қўмаклашиш ва шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда. Мазкур лойиҳа асосида партия ташкилотлари ҳудудларда турли йўналишларда бепул ўқув курслари ташкил этилиб, қўллаб уюшмаган ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига бепул таълим бериш ва касбга йўналтириш йўлга қўйилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi yoshlar qanoti faoliyati / O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi joriy arxivi materiallari [The activities of the young wing of the Democratic Party "Milliy tiklanish" / Materials of the current archive of the Democratic Party "Milliy tiklanish"].

<sup>2</sup> "Xizmat-beminnat": 91 yigit-qiz talaba bo'ldi ["Free help": 91 boys and girls became students]. Available at:

Шунингдек, партия фаоллари томонидан “Навоий ворислари” республика кўрик-танлови, “Китоб – маънавият чироғи” мавзусида китоб фестиваллари, “Депутат ва ёшлар” номли давра суҳбати ва шу каби тадбирлар доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, бугунги кунда сиёсий партияларимиз ёшлар қанотлари мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий онгини оширишга, улар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб боришида ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Аммо уларнинг бу жараёнлардаги фаолиятини янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш лозим. Сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари ўз мақсад ва вазифаларини ёшлар ўртасида кенгроқ ташвиқ ва тарғиб қилишлари керак, чунки айрим ёшларимиз ҳанузгача республикада фаолият юритаётган сиёсий партиялар, уларнинг мақсад ва вазифалари, мафқурасидаги фарқлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас.

А. Лյорманнинг фикрича, сиёсий партиялар таркибидаги Ёшлар қанотлари, одатда, ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тўртта асосий функцияларни бажаради.

Биринчидан, ёшлар қаноти партия аъзолари сиёсий таянч ҳисобланади. Ёшлар қаноти ҳамкорлик тармоқлари яратиш ҳамда шахсий ёки мавзуий уюшмалар шакллантиришни осонлаштиради. Агар ёшлар тузилмаси ўз ассамблеялари ҳамда аъзолар кенгашига эга бўлса, ёшлар қарорлар қабул қилишда иштирок этиш, ўз кўникмалари ва сиёсий қарашларини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга бўлади. Бундан ташқари, партия таркибидаги кучли ёшлар секцияси, ёшлар қанотининг “битирувчилари” бўлиб, ёш авлодга тарғиботчилар ва мураббийлар сифатида таъсир кўрсатишлари мумкин.

Ёшлар қанотининг иккинчи муҳим функцияси унинг аъзоларини ўқитиш ва уларга

<http://www.mt.uz/uz/press-sluzhba/novosti/khizmat-beminnat-91-yigit-iz-talaba-b-ldi/>



таълим беришда намоён бўлади. Ёшлар қаноти сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш, ментор дастурлари ва фаолиятни амалга ошириш бўйича семинарлар ташкил қилади.

Аксарият сиёсий партиялар ўз ёшлар қанотларини ўзлари молиялаштиради, бунда ҳаракатчан ёшлар шўъбасига эга партия кўпроқ ёш аъзоларни жалб эта олиши мумкинлигини англайди. Бир неча ўн йиллар мобайнида бу кумулятив самара бермоқда.

Ёшлар қанотининг учинчи функциясини партиявий сиёсатни ишлаб чиқишга ва етакчиларни танлашга таъсир кўрсатиши ташкил этади. Партиянинг ёш аъзолари ва ёшлар секциялари янги ва илғор ғоялар таклиф этиши ҳамда эскирган сиёсий курсни ўзгартиришга ҳаракат қилишлари мумкин.

Масалан, Канадада “Ёш либераллар” ҳар қиш фаслида сиёсий лагер ташкил қилдилар. У ерда улар ёшлар партия анжуманларида устувор тартибда илгари суришни истаган резолюцияларини ишлаб чиқадилар, шунингдек, ёшларни ягона блок бўлиб овоз беришга сафарбар этадилар.

Ниҳоят, ёшлар секциялари ёш сайловчиларнинг қамровини кенгайтиришлари ҳамда уларнинг партияларга ишончини оширишлари мумкин. Янги аъзоларни жалб қилиш ва сайлов компаниялари ўтказилишида ёшлар секциялари, албатта, ўз тенгдошлари билан қайси тилда сўзлашиш мумкинлигини ва улар учун фаолиятнинг қайси жиҳатлари энг жозибали эканликларини билдилар. Эски партия аъзоларининг ёшларга мурожаат қилишга қаратилган савй-ҳаракатлари, кўпинча, натижа бермайди. Бунинг ўрнига ёшлар қанотига ёш сайловчиларни ва бўлғуси партия аъзоларини қамраб олиш учун бюджетнинг махсус улушини ёшлар қанотига ажратиш имкониятини кўриб чиқиш мумкин<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Rasshirenie politicheskogo uchastiya molodeji na vsekh etapax elektoralnogo tsikla (PROON)[Expansion of political participation of youth at all stages of the electoral cycle (UNDP)]. – New York, 2013. – P. 29-30.

Ривожланган Шарқ мамлакатларидаги ёшлар ташкилотлари, хусусан, ёшлар қанотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 1921 йилда ташкил этилган Хитой Коммунистик партияси таркибида ҳам Коммунист ёшлар иттифоқи фаолият юритади. Унинг таркибига 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган 69 млн ёшлар киради. Ушбу иттифоқ коммунизмни амалда ўргатувчи мактаб, шунингдек, Хитой Коммунистик партиясининг ёрдамчиси ва захираси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ҳиндистонда эса Ҳиндистон халқ партияси – Бхаратия Джаната Парти мамлакатдаги ҳукмрон партия бўлиб, бош вазир Нарендра Модининг номзоди айнан шу партиядан кўрсатилган. Ушбу партия таркибида Бхаратия Джаната Юва Морча (БДЮМ) номли ёшлар бўлинмаси мавжуд. Мазкур бўлинма мамлакат ёшлари ҳаёти ва фаолиятига оид масалалар билан шуғулланади. БДЮМ ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга ҳамда ўз фикрларини ва ўзларига тааллуқли муаммоларни ифодалаш учун майдон берилишига ишонади ҳамда шу мақсадда ўз ҳаракатларини амалга оширади. Бу ҳаракатини БДЮМ ёшлар ҳаётидаги турли муаммоларни кўтариш билан ифодалайди, коррупция ва ишсизлик каби жиддий муаммоларга қарши курашиб, мамлакатдаги талабаларга оид сиёсатга кўмаклашади<sup>3</sup>.

Японияда бошқа давлатлардан фарқли равишда сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти мавжуд эмас. XX аср бошиданок бу давлатда ёшлар ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ёшлар ташкилотлари орқали намоён этишни бошлади. Масалан, энг катта ёшлар иттифоқларидан бири ҳисобланган Япония Ёшлар палатаси 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган инсонларни бирлаштирувчи нотижорат ташкилот ҳисобланади. Япония Ёшлар палатасининг асосий мақсади – жамиятни

<sup>2</sup> Safonova A.S. Molodejnaya politika i molodej v politike: zarubejniy opit [Youth policy and youth in politics: international experience]. Available at:<http://www.gramota.net/materials/3/2013/2-2/40.html>

<sup>3</sup> BJYMhistory // [www.bjym.org](http://www.bjym.org)



махаллий, миллий ва глобал даражада ривожлантиришдир. Ушбу ташкилот дастурининг асосини ёшларда ижтимоий тадбиркорлик руҳини ривожлантириш ташкил этади. Япония ҳукумати 2003 йил декабрь ойида Ёшларни ривожлантириш миллий дастурини ишлаб чиққан бўлиб, дастурнинг асосий мазмунини япон ёшларининг таълими, соғлиғи, меҳнати ва фаровонлиги ташкил этади. Япония Ёшлар палатаси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар давомида ташкилот аъзоларида етакчилик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ташкилот аъзолари нафақат мамлакатда олиб бориладиган ички сиёсатни, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам халқаро алоқаларни кўллаб-қувватлайди<sup>1</sup>.

Япония ёшлар палатаси бугунги кунда Халқаро ёшлар палатасининг энг фаол ва нуфузли аъзоларидан бири ҳисобланади (Изоҳ: 1914 йилнинг 11 декабрида ташкил этилган Халқаро ёшлар палатаси (маъмурий биноси Швециянинг Стокгольм шаҳрида жойлашган) 18 дан 40 ёшгача бўлган 100 дан ортиқ миллий ташкилотларнинг 200 мингдан ортиқ аъзоларини бирлаштирган).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жуда тез содир бўлаётган Япония каби ривожланган давлатда келажакдаги янгидан янги ўзгаришларга тайёр турадиган ва мамлакат ривожига салмоқли ҳисса қўшадиган ёш кадрларни тайёрлаб берувчи Япония ёшлар палатаси катта роль ўйнайди.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ёшларга оид сиёсат нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажак учун жавобгарликни ўз зиммасига ола билладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва

серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакат ривожланишининг энг муҳим шартидир.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишларини янада такомиллаштириш учун куйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқдир:

– ёшларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятларига йўл очиш ва уни таъминлаш учун уларнинг ўзларидаги фаоллик, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёнларига қарамбасталик, ислохотларга ишонч, демократик кадриятларнинг абадийлигига суяниш фазилатларини тарбиялаш;

– ёшларнинг янгиликка интилиши, ташаббускорлиги, эркин бозор иқтисодиётига тез кўникиши, янги йўналишларни кўллаб-қувватлаши каби мавжуд юқори савиядаги ва ижобий йўналтирилган салоҳиятидан ўз вақтида холис ва рағбат асосида фойдаланишга эришиш, ёшлар ташаббусларининг “чўкиб” қолишига йўл қўймаслик;

– сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари ўртасида маълум бир мавзулар доирасида (масалан, қонун лойиҳалари, электорат манфаатлари, сайловолди дастурлар ва бошқалар борасида) баҳс-мунозаралар уюштириш;

– сиёсий партияларнинг матбуот органлари ва Интернетдаги сайтларида эълон қилиб бориладиган мақолалар ва хабарларни доимий равишда янгилаш, шунингдек, партия ҳисоботлари ҳамда статистик маълумотларини кенг оммага тақдим этиб бориш;

– сиёсий партияларнинг марказий органларига экскурсиялар уюштириш ва бу тадбирлар орқали ёшларнинг сиёсий жараёнларга қизиқиши ва фаоллигини янада ошириш;

– ёшлар муаммолари билан доимий шуғулланувчи алоҳида бўлинма шакллантириш;

– партия фракцияларининг аъзолари, шунингдек, тажрибали депутатлар билан “Ёшлар қаноти” аъзоларининг доимий учрашувларини, маҳорат мактабларини ташкил этиш, устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш;

– ёшлар ўртасида сиёсий онг ва сиёсий тафаккур тамойилларини кенг сингдириш,

<sup>1</sup> Safonova A.S. Molodejnaya politika i molodej v politike: zarubejniy opit [Youth policy and youth in politics: international experience]. Available at: <http://www.gramota.net/materials/3/2013/2-2/40.html>



уларда сиёсий, ҳуқуқий маданият кўникмаларини шакллантириш, ёшларнинг ўз сиёсий онгини ошириши ва кўникмаларга эга бўлишлари учун табиий ривожланиш тизимларини яратиш ва улардан унумли фойдаланиш;

– ёшлар кайфиятлари, манфаатлари ва ижтимоий-сиёсий аҳволини ўрганиш ва илмий таҳлил этиш бўйича турли социологик тизимлар фаолиятини ривожлантириш, ёшлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи мониторингини амалга жорий этиш ва бошқалар.

**Хулоса.** Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиш ҳар бир сиёсий партия Ёшлар қанотининг асосий вазифаларидан бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси мамлакат ёшлари замонавий фан ва техника ютуқларини мукамал эгалласа, сиёсий жараёнлардан доимо боҳабар бўлса ҳамда бу тадбирларда ўзининг позицияси билан иштирок этиб борса, уларнинг ўз Ватани тараққиётига қўшадиган ҳиссаси шунчалик юқори ва самарали бўлади, маънавияти юксалади ва мамлакатнинг жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллаши тезлашади.

Учинчидан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бугунги куннинг энг муҳим талабидир.

